
**ЎЗБЕКИСТОН
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
АХБОРОТИ**

58 – жилд

*** * ***

**ИЗВЕСТИЯ
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

58 – том

*** * ***

**THE ANNALES
OF THE GEOGRAPHICAL SOCIETY
OF UZBEKISTAN**

Volume 58

Тошкент-2020

– ойконимларнинг шаклланишида барча турдаги топонимик конуниятлар кичтирок этган ва қудуднинг табиий ҳамда иқтимоий географик хусусиятлари жой номлари мазмунида намоён бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмадалиев Ю.И. Топонимика ва географик терминшунослик. – Фарғона, 2018. – 120 б.
2. Бегматов Э. Халқ тили ва мазнавиятнинг улуг мероси // Жой номлари – калк тили ва мазнавиятнинг нодир мероси. – Навоий, 1998. – Б. 10-18.
3. Нафасов Т. Қашқадарё област топонимлари. Филол. фан. номз. ...дисс. – Т.: 1968. – 312 б.
4. Никонов В.А. Введение в топонимику. – М.: Наука, 1965. – 178 с.
5. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Т.: Фан, 1989. – 56 б.
6. Суперанская А.В. Что такое топонимика? – М.: Наука, 1985. – 176 с.
7. Темиров Ш.А. Самарқанд вилояти оронимларининг лисоний таълиқи. Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 24 б.
8. Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний таълиқи. – Т.: Фан, 2008. – 192 б.
9. Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимология таълиқи йўллари. Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Т.: 2006. – 56 б.
10. Ҳасанов Ҳ. Урта Осиё жой номлари тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1965. – 80 б.
11. Qorayev S. Toponimika. O'quv qo'llanma. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. – 320 b.
12. Hakimov Q. Toponimika. "Geografiya o'qitish metodikasi" ta'lim yo'nalishi talabalari uchun darslik. – T.: Mumtoz so'z, 2010. – 368 b.

Мавлонов А.М.*

БУҲОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМ ИУНАЛИШИГА АСОС СОЛИНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация. *Бухоро давлат университети Ўзбекистон Республикасидаги давлатли тилини этилган олиғоқлардан бири саналади Махмур мақолада университетнинг география таълим йўналиши тарихида фикр юритилган. Мақолада география таълим йўналишининг таълиқи тарихи, ривожланиш тарихи ва бузган кундаги ҳолати хусусида сўз боради. Мақолада БухДУ география кафедраси ва таълим йўналишининг фаолияти 3 даврга – собиқ Иттифоқ, муштаракликнинг дастлабки 20 йилини (1992-2011 йй.) ва 2011 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврга ажратилиб ўрилган. Юқоридаги 3 даврда кафедрада фаолият кўрсатган профессор-франтувчилар ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, БухДУ географлар жамъаси томонидан ўтилган конференциялар, баъжарилган грант ва диссертациялар, таълиқланган фан олимпиадаси совриндорлари ва номдор стипендиантлар ва шу сўзлари кафедра ҳаётида муҳим бўлган бошқа воқеалар ўрилган.*

Калит сўзлар: *БухДУ, БДПУ, география фанлари, география таълим йўналиши, кафедра, кафедра мудири, профессор-франтувчилар тарихи, магистратлар, талабалар.*

Становление и развитие географического образования в Бухарском государственном университете

Аннотация. *Бухарский государственный университет - один из первых вузов Республики Узбекистан. В данной статье рассматривается географическое направление университета. В статье рассматривается формирование направления географического образования, истории его развития и современное состояние. В статье история кафедры*

* Мавлонов Ахмадхон Муҳаммадович – Бухоро давлат университети Экология ва география кафедраси доценти, г.ф.н. E-mail: mavlonov1978@yandex.ru

география ва соопиетствуюющего направления образования в Бухарском университете разделено на 3 периода – советские годы, первые 20 лет Независимости (1991-2011 гг.) и последнее десятилетие. Рассказывается о профессорско-преподавательском составе каждого из этих временных этапов. Также даются сведения о научных конференциях, организованных на базе кафедры географии БухГУ, выполненных на кафедре грантах и диссертациях, подготовленных победителями республиканских олимпиад и государственных стипендиатах.

Ключевые слова: БухГУ, БГПИ, географические науки, географическое направление, заведующий кафедрой, преподавательский состав, магистры, студенты.

Formation and development of geographical education at Bukhara State University

Abstract. Bukhara State University is one of the first universities in the Republic of Uzbekistan. This article examines the geographical direction of the university. The article discusses the formation of the direction of geographical education, the history of its development and the current state. In the article, the history of the Department of Geography and the corresponding direction of education at Bukhara University is divided into 3 periods - the Soviet years, the first 20 years of Independence (1991-2011) and the last decade. Describes the faculty of each of these time stages. It also provides information about scientific conferences organized on the basis of the Department of Geography of BukhSU, carried out at the Department of grants and dissertations, prepared by the winners of republican Olympiads and state scholarships.

Key words: BukhSU, BSPU, geographical sciences, geographical direction, head of department, teaching staff, masters, students.

Кирити. 2020 йилда 90 йиллик юбилейи нишонланаётган Бухоро давлат университети (БухДУ) Ўзбекистон Республикасидаги дастлабки ташкил этилган олийгоҳлардан бири саналади. Утган давр мобайнида БухДУ педагогик жамоаси томонидан мамлакатимиз иқтисомий-иқтисодий ҳаётининг турли соҳалар учун ўн минглаб малакали кадрлар етказиб берилди. Айни пайтда, Бухоро давлат университетида 50 дан ортиқ таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Аммо шу ўринда таъкидлаш жоизки, Бухоро давлат университетида ўқитилаётган таълим йўналишлари бир даврда вужудга келмаган. Уларнинг ўзига ҳос тарихи, босиб ўтган йўли мавжуд. Ана шулардан бири 5140600 – География таълим йўналишидир.

Ишнинг максали ва вазифалари. Ишнинг максали Бухоро давлат университетида география таълим йўналишининг вужудга келиши ва ривожланиши ҳамда географлар томонидан ўқув, ўқув-услугбий, илмий-тадқиқот ва устоз-шогирд тизими асосида бажарилган ишларни ўрганишдан иборат. Мақолаи тайёрлашда кўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- БухДУ да илк бор география фанларининг ўқитилиши ва географ кадрлар тайёрлашнинг йўлга кўйилишини ўрганиш;
- Олийгоҳда ишлаган дастлабки профессор-ўқитувчилар ва “География” кафедрасининг ташкил этилишини ўрганиш;
- БухДУ “География” кафедраси ва таълим йўналишининг фаолиятини даврлаштириш;
- “География” кафедраси ва таълим йўналишининг собиқ Иттифок, мустандилликнинг дастлабки 20 йиллиги (1992-2011 йй.) ва 2011 йилдан ҳозирги кунгача бўлган фаолиятини тадқиқ этиш ва ҳ.к.

Асосий қисм. БухДУ да ўзига ҳос олий географик таълим 1935 йилда ташкил этилган “Табиятшунослик ва география” йўналишидаги 2 йиллик бўлимнинг очилиши билан бошланган. Географияга тегишли фанлар дастлаб марказий олийгоҳлардан таклиф қилинган ҳамда географияга “ёндош” фан ўқитувчилари томонидан ўқитилган. Кейинги 1940 - 1950 йилликларда география таълимига эътибор олийгоҳда, бирмунча пасаяди ва натижада ушбу фан яъни ривож топмайди.

Олийгоҳ тарихида илк бор география таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш 1964 йилдан бошланган. Шу йилда Табиятшунослик факультети ҳузурда

сиртқи таълим шакли бўйича илк географлар қабул қилинди. 1965 йилдан эса кундузги таълим шаклида “География-биология” таълим йўналиши, кейинчалик эса Филология факультети ҳузурда “Тарих –география” таълим йўналишлари очилди.

Дастлаб, география йўналишига тегишли фанлар 1959 йилда ташкил қилинган “Қишлоқ хўжалиги асослари” кафедраси таркибида эди. Кафедра мудури қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент С.М. Ибрагимов (Оллоқ охиравларини обод айлаган бўлсин) эди [7, 6.5]. БухДУ географларидан илк бора Л.Тўраева ва М.Ахмедовалар 1960 йилда ишга қабул қилинган. Улар ўша даврда номутахассисликлар (бошланғич таълим, биология, кимё, тарих ва ҳ.к.) учун география фанларидан дарс беришган.

Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ) да илк бора 1964 йилда сиртқи таълим шакли асосида “География-биология” таълим йўналишига талабалар қабул қилинади. Шу муносабат билан 1964 йилда кафедра ўқитувчиси сифатида Р.Холмонов ва Ю.С.Саломов ишга олинди. 1965 йилдан эса кундузги таълим шакли бўйича ҳам “География-биология” таълим йўналишига талабалар қабул қилинди. География фанлари сонининг кўпайиши янги ўқитувчиларга эҳтиёж келтириб чиқарди. Бунинг натижасида, 1967 йилда И.Қ.Назаров ва У.Н.Нуровлар ишга ташлиф қилинди. 1971 йилда бу жамoa сафига И.Аллаёров келиб қўшилди.

XX аср 70-йилларининг сўнггида Бухоро давлат педагогика институтида (БДПИ) 10 яқин географ мутахассислар (Л.Тўраева, М.Ахмедова, Р.Холмонов, Ю.Саломов, И.Назаров, У.Нуров, И.Аллаёров, А.Абдулқосимов ва 6.) талабаларга география фанларидан дарс беришарди.

1979 йилнинг 7 сентябрида географлар жамoасининг сазъ-ҳаракатлари ва институт раҳбариятининг қўллаб қувватлаши билан БДПИ тарихида илк бор мустақил “География” кафедраси ташкил қилинади. Янги тузилган кафедрага мудир вазифасини бажариш вазифасида фанлари номзоди Саломов Юсуф Саломовичга юкланади. Ю.С.Саломов География кафедрасини илк мудури сифатида кафедранинг 1979-1982 йилларда бошқарган. Ушбу йилларда кафедранинг илк таълим тоғи қўйила бошлаган. Кафедрага тегишли фанлар ажратилиб, уларни самарали ўқитиш бошланади.

1982 йилнинг 25 февралдан бошлаб, кафедрага г.ф.н., доцент И.Қ.Назаров мудир этиб тайинланади. Кафедранинг узок йилларга мўлжалланган стратегик режалари ишлаб чиқилди ва уни бошқаришга масъулият кучайтирилди. Кафедра қисқа муддат ичида республика географ олимлари орасида муносиб илмий – педагогик нуфузга эга бўлди.

1986 йилда БДПИ География кафедраси Ботаника кафедрасига қўшиб юборилди (кафедра мудури б.ф.н., доц. А.Р.Акрамов). Шу йилдан бошлаб географ кадрлар тайёрлаш ҳам тўхтатилади. Маълум ҳолат географларни янада самаралироқ илмий-педагогик фаолият олиб боришга, илмий-тадқиқот ишларини жонлантиришини тақозо этди. Кафедра тарихидаги ана шундай мураккаб даврда, яъни 1990 йилда кафедра ўқитувчиси У.Н.Нуров (илмий раҳбари СамДУ профессори М.У.Умаров) Ашқобод шаҳрида ўзининг номзодлик диссертациясини қимоя қилди.

1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Истиқлол шарофати билан вилоятлардаги ақсарият педагогика институтлари негизида университетлар ташкил этилди. Жумладан, 1992 йилда Бухоро давлат педагогика институти ҳам Бухоро давлат университетига айлантирилди. Университетнинг вужудга келиши билан ЎзФА ҳузурдаги илмий тадқиқот институтлари ва марказдаги олийгоҳлардан қўллаб бухоролик олимлар (академик К.М.Муқимов, профессорлар О.М.Ёрнез, С.Б.Бўриев ва ҳ.к.) БухДУга ишга келишди. Натижада, университетнинг илмий салоҳияти ошиб, унда қатор янги таълим йўналишлари ва кафедралар ташкил этилди.

Чунончи, 1992 йилдан география таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни қайта йўлга қўйиб, шу асосда “География” кафедраси қайта ташкил этилди. Унга г.ф.н., доцент И.Қ.Назаров кафедра мудури этиб тайинланди. Муस्ताқилликнинг ilk йилларида кафедрада доцентлар И.Қ.Назаров, У.С.Саломов, У.Н.Нуров, катта ўқитувчилар Л.Тўраева, М.Ахмедова, И.Ш.Аллаёровлар ишлаган. Шунингдек, 1992 йилдан кафедранинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш мақсадида г.ф.н., доцент Ю.Б.Рахматов ва 1993 йилда ўқитувчи Х.Р.Тошовлар тўлиқ хиссага ишга олинган.

Шундан кейин кафедранинг нуфузини ошириш, илмий-тадқиқот ишларини жонлантиришга катта эътибор қаратилади. Кафедрда география йўналиши бўйича “таълим” ОТМ бўлган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети билан илмий педагогик ҳамкорлик шартномалари имзоланди ва ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шу асосда, ЎзМУ олимлари г.ф.д., профессорлар А.Рафиқов, О.Ата-Мирзаев, А.Солпиев, Ф.Ҳизматов, г.ф.н., доцентлар Ш.С.Зокиров, И.Ҳасанов, А.Соатов, А.Эгамбердиевлар 1996 йилдан буён қар йили БухДУ географ – талабаларига махсус фанлардан дарс бериш билан бир қаторда, уларнинг магистрлик диссертациялари, битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиб келишди [6]. Бунинг натижасида бир қатор фан олимпиадаси ғолиблари ва номдор стипендиантлар тайёрланди. Жумладан, С.Рахматова (1998 й.), А.Мавлонов (1999, 2000 й.), Ф.Латипов (2001 й.), И.Мирзоева (2002 й.), Р.Қодирова (2005 й.) фан олимпиадаси ғолиблари, Д.Қаландарова (2010 й.) Улуғбек номидаги давлат стипендияси соҳибаси бўлишди.

Ужуман олганда, ХХI аср дастлабки ўн йилнинг БухДУ География кафедраси учун “омадли” келди. 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб 3 йил давомида 5А440503 – Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геозимёси магистратура мутахассислиги бўйича магистрантлар тайёрланди. Ушбу магистрантларнинг 4 нафари (И.Мирзоева, Г.Ҳалимова, М.Эргашева, А.Нематов) бутунги кунда кафедра катта ўқитувчиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Г.ф.н., доц. И.Назаров ташаббуси билан 2006 йилнинг 23 – 24 май кунлари БухДУ хузурида “География фанининг назарий – амалий муаммолари” мавзусида Республика миқёсидаги илмий – назарий – амалий конференция ўтказилди [2]. Унда мамлакатимизнинг етакчи географ олимлари (г.ф.д., профессорлар А.С.Солпиев, Т.Жумаев, Е.Умаров, Т.Мухторов, Ф.Ҳизматов, А.Нигматов) ўз маърузалари билан киттирок этиб, географларнинг навбатдаги илмий режалари белгиланган.

Бир неча йиллардан буён кафедрада “Глобус” илмий ишлаб чиқариш лабораторияси фаолият кўрсатиб келмоқда. Доц. И.Назаров раҳбарлигида мазкур лабораторияда географик таълимга тегишли дидактик – кўргазмалар курулган, айниқса, турли мавзу ва кўламдаги “рельефли макетлар” тайёрланмоқда [1]. Амалий санъат даражасида тайёрланган ушбу кўлбола эсарлар ҳамда вилоят табиатига бағишланган бошқа экспонатлар бутунги кунда маҳаллий ва хорижий туристлар учун хизмат қилмоқда. Бухоро вилоят давлат музей-кўрикхонаси (Ариқ) табиат бўлими ва ушумтаълим ўрта мактаб, академик лицейлар хоналарини безаб турибди.

2008 йилнинг 15 май санасида кафедра катта ўқитувчиси Х.Тошов г.ф.н., доцент И.Қ.Назаров илмий раҳбарлигида “Чўл ландшафтлари ва уларнинг агроэкологияларидан самарали фойдаланиш (Бухоро вилояти мавзусида)” мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилиб, география фанлари номзоди илмий даражасига эришди [5].

Кафедра олимлари И.Қ.Назаров раҳбарлигида 2009-2011 йилларда 7-038 рақамли “Чўл ландшафтларининг маҳаллий сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш” мавзуси бўйича 21,0 млн сўмлик Давлат гранти лойиҳаси бажаришди.

Ушбу амалий лойиҳа кафедра илмий тадқиқот ишларининг амалиёт билан боғлиқлигини яққол далилдир.

Бундан ташқари, 2010 йилнинг 1 май куни БухДУ география кафедрасининг 30 йиллиги, доцент И.Қ.Назаров таваллудининг 70 йиллигига бағишланган “Чўл зонаси ландшафтлари ресурсларидан самарали фойдаланишнинг географик асослари” мавзусидаги Республика илмий-назарий, амалий конференцияси ўтказилди [7].

Кафедра ўқитувчиси А.Мавлонов 2010 йилнинг 11 ноябрида ЎзМУ профессори, г.ф.д. А.С.Солнев раҳбарлигида “Чўл шаронтида шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиш муаммолари (Бухоро вилояти мисолида)” мавзусидаги номзодлик диссертациясини қимоя қилиб, 2011 йилда география фанлари номзоди илмий даражасига эришди [4].

Хуллас, БухДУ География кафедраси ҳаётига “энг амалли *давр*” сифатида эътироф этиш мумкин бўлган XXI аср дастлабки ўн йиллиги қуйидаги илмий воқеалар билан тарихда қолди:

- Кафедрага 4 нафар ёш ўқитувчилар (А.Мавлонов, И.Мирзоева, Г.Ҳалимова, М.Эргашева) ишга олинди;

- Кафедрада ilk бор магистратура очилди. 5A440503 – Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси магистратура мутахассислиги фаолият кўрсатди;

- Кафедрада 2 та (Х.Тошов, А.Мавлонов) номзодлик диссертацияси муваффақиятли қимоя қилинди;

- И.Қ.Назаров раҳбарлигида Давлат гранти бажарилди;

- Фан олимпиадаси ва Давлат стипендияси ғолиблари тайёрланди;

- 2 марта (2006, 2010 йилларда) Республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялар ташкил қилинди [8];

- “Глобус” илмий ишлаб чиқариш лабораторияси фаолияти барқарор ривожланди.

2011 йилнинг ёзида БухДУ да кафедраларни йириклаштириш бўйича ишчи гуруҳнинг кулосасига кўра география кафедраси фаолияти тўғрисида, Экология кафедраси билан биргаликда Табиатшунослик кафедрасига бирлаштирилди (кафедра мудирини б.ф.н., доцент М.Тўраев). 2011 йилда А.Нематов ва З.Анварова, 2013 йилда Д.Қаландаровалар кафедрага ўқитувчиси сифатида ишга олинди.

2014-2015 ўқув йилининг бошида География бўлимига тегишли ўқув соатлари тупроқшунослик бўлимига кўшилиб, “Тупроқшунослик ва география” кафедраси ташкил этилди. 2019 йилнинг ёзигача фаолият кўрсатган ушбу кафедрага к.ф.н., доцент Р.Юнусов, г.ф.н., доцент Х.Тошов, б.ф.н., доцент Ф.Жумаевлар мудирлик вазифасини бажаришди [3, 6.11].

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб БухДУнинг экология ва география таълим йўналишлари бирлаштирилиб “Экология ва география” кафедраси ташкил қилинди (кафедра мудирини в.в.б. Ё.Холов). 2019-2020 ўқув йилида География бўлимига тегишли соатлар юкلامаси 7012 соатга тенг бўлди. Унда қуйидаги профессор-ўқитувчилар меҳнат қилишмоқда:

1. Х.Р.Тошов – г.ф.н., доцент;
2. А.М.Мавлонов – г.ф.н., доцент;
3. И.Э.Мирзоева – катта ўқитувчи;
4. А.Н.Нематов – катта ўқитувчи;
5. З.М.Анварова – ўқитувчи;
6. Д.Д.Қаландарова – ўқитувчи;

2019-2020 ўқув йилида БухДУнинг 5140600 – География таълим йўналишидаги барча гуруҳларда жами 131 нафар (шундан, 2-1Geo-19 – 33, 2-1Geo-18 – 22, 2-2Geo-18 –

21, 2-1Geo-17 – 29, 2-1Geo-16 – 26 нафар) талабалар ва 5 нафар магистрантлар (10-1Geo-19 гуруҳида) тахсил олишди. Шундан 16 нафар талабалар Турманистон Республикаси фуқароларидир.

Таъинлаш жонзки, кейинги 2 йил (2019, 2020 йиллар) География бўлими халтида “омадлин” келмоқда. Жумладан, 2019 йилда бўлим тарихида илк бора таянч-докторантурага қабул амалга оширилди. Ҳозирги кунда 3 ихтисослик бўйича, яъни 11.00.01-Табийй география (М.Эргашева), 11.00.02-Иқтисодий ва ижтимоий география (А.Қодиров), 11.00.03-Куруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё (Н.Тошбеков) ихтисосликлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, 5A140602 – География (ўрганиш объекти бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрантлар қабул қилинди. 2019 йилда 5 нафар, 2020 йилда 6 нафар магистрантлар тахсил олмоқда.

Бундан ташқари, кейинги йилларда кафедра аъзоларининг хорижий мамлакатлар географлари билан алоқалари анча яхшиланди. Айниқса, бу борада доцент Х.Р.Тошовнинг хизматларини эътироф этиш жонз. У сўнгги 3 йил давомида 2 марта Қозоғистон Республикаси (Алматы шаҳри) ва Россия Федерацияга (Омск шаҳри) бориб, у ердаги географлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Айнан Х.Р.Тошов ташаббуси билан 2017 йилнинг 31 октябр – 1 ноябр саналарида “Мақтаб ва олий ўқув юртиларида география таълими узвийлигининг замонавий муаммолари” мавзусида Қозоғистонлик географлар билан ҳамкорликда илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда Қозоғистон Республикасидан келган 30 дан ортиқ географ ўқитувчилар катнашди. Ушбу алоқалар ҳозирги кунда илмий-услубий жиҳатдан давом этмоқда.

Ўзбекистон География жамияти ва АРГО (Россия Ижтимоий географлар ассоциацияси) ҳамкорлигида ўтказилган “Ўзбекистон ва Россияда география фани: умумий муаммолар, ҳамкорлик имкониятлари ва истиқболли” халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчилари (хорижий иштирокчилар 40 кишидан ортиқ) 2019 йилнинг 17 май санасида БухДУ да меҳмон бўлишди. БухДУ олимлари меҳмонлар билан география фанининг турли йўналишлари бўйича фикр алмашишди.

Бундан ташқари, Ломоносов номидаги Москва давлат университети Табийй география ва ландшафтшунослик кафедраси доценти, г.ф.н. Марина Николаевна Петрушина ва Биогеография кафедраси катта ўқитувчиси Максим Викторович Богарников 2020 йилнинг 24 январида Экология ва география кафедраси профессор-ўқитувчилари учун “Биогеография” ва “География ва экологиянинг долзарб масалалари” мавзусида ҳамда 2-1-Гео 19 гуруҳи талабалари учун г.ф.н., доцент Марина Николаевна Петрушина Умумий табийй география фани бўйича маъруза қилди. Бундай алоқалар йил сайин яхшилланиб бормоқда.

Хулоса. Айни пайтда БухДУда 5140600 – география таълим йўналиши ва 5A140602 – География (ўрганиш объекти бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрантлар тайёрланмоқда. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган, юксак салоҳиятли кадрларни тайёрлашда университет географлари ҳам катта хизмат қилишмоқда. БухДУ географлари томонидан ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, устоз-шогирд йўналишидаги ишлар тизимли йўлга қўйилган. Жумладан, илмий-тадқиқот соҳасида география фанлари бўйича 2 та докторлик (DSc) ва 4 та фалсафа доктори (PhD) диссертация ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, географ олимлар томонидан ўқув қўлланма ва дарсликлар, монографиялар нашр қилиниб, талаба ёшлар илтиёрига берилмоқда. Мазкур ишларни янада ривожлантириш орқали Ўзбекистонда география фани ва таълими тараққиётига БухДУ географлари ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гадов К., Бердиева С. Ўзбек география фани фидойилари. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 232 б.

2. География фанининг назарий-амалий муаммолари. Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Бухоро, 2006. – 124 б.
3. Мавлонов А., Қодиров А., Нематов А. Бухоро географлари: тарихи, бутуни ва келажаги. – Бухоро, Дурдона, 2020. -124 б.
4. Мавлонов А.М. Чўл шароитида шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиш муаммолари (Бухоро вилояти мисолида). География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2010. – 27 б.
5. Тошов Х.Р. Чўл ландшафтлари ва уларнинг агроиқлимий шартларидан самарали фойдаланиш (Бухоро вилояти мисолида). География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2008. – 26 б.
6. Тошов Х.Р., Алпайёров И.Ш. Географ олим Назаров Исроил Қиличевич – 70 ёшда. – Бухоро, 2010. – 48 б.
7. Чўл зонаси ландшафтлари ресурсларидан самарали фойдаланишнинг географик асослари. Республика илмий-назарий, амалий конференция материаллари. – Бухоро, 2010. – 146 б.
8. Узбекистон География жамияти ахбороти. 2020. 57-жилд. – 368 б.

Турдинмамбетов Н.Р., Балтабаев О.О.*

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASIN FITOTOPONIMLARIN TAХШИШ

Аннотация. Қорақалпоғистондаги жуда кўп географик номлар жойларнинг табиий географик хусусиятларини ўзда акс эттиради. Жумладан, ҳудуднинг рельефи, тоғ жинслари, туғроқлари, фойдали қазилмалари, иқлим, сув шароити ва ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот олами каби табиий омиллар республика топонимисига ўзининг катта таъсирини ўтказган. Қорақалпоғистон Республикаси топонимларида жойларнинг табиий хусусиятларини акс эттирилганлиги мақолада фитотопонимлар, яъни ўсимлик номларидан келиб чиққан географик номлар мисолида кўриб чиқилган. Қорақалпоғистондаги фитотопонимлар турли мезонлар асосида гурuhlарга ажратилган ва статистик усуллар ёрдамида қимлик туманлари кесимида тақриб қилинган. Натижада Қорақалпоғистон топонимисига қандай ўсимликлар номларидан келиб чиққан топонимлар энг кўп учраётганилиги ва бунинг сабаблари ўрганилган.

Калит сўзлар: топоним, фитотопоним, гидроним, ороним, ойконим, фитоойконим, фитосидроним, фитоороним.

Анализ фитотопонимов Республики Каракалпакстан

Аннотация. Многие географические названия на территории Республики Каракалпакстан отражают физико-географические особенности соответствующих местностей. В частности, топонимия региона отчётливо отражает особенности местного рельефа, горных пород, почв, полезных ископаемых, климата, водных условий и ресурсов, растительного и животного мира. В статье отражение особенностей природных условий в географических названиях в пределах Республики Каракалпакстан рассмотрено на примере фитотопонимов, т.е. географических названий, происходящих от наименований видов растений. Фитотопонимы Каракалпакстана классифицированы по различным критериям, выполнен их статистический анализ в разрезе сельских административных районов. В результате выделены названия растений, наиболее часто встречающиеся в названиях различных географических объектов Республики Каракалпакстан, и определены причины их широкого распространения.

Ключевые слова: топоним, фитотопоним, гидроним, ороним, ойконим, фитоойконим, фитосидроним, фитоороним.

* Турдинмамбетов Нибобет Рахметович – Бордиқ номадига Қорақалпоғ дилалат унвeрситeтининг илмий ишлар ва кeчeвeчилeр бўлими проректори, г.ф.д., доцент. E-mail. izimbet76@kapm.uz;

Балтабаев Омйрбай Осербеевич – Анжелек номадига Нухус дилалат педагогика институтига география уқитиш методикаси кафедраси таълим докторанти. E-mail. baltabay.omirbay@npi.uz

(Қашқадарё вилояти мисолида)

Мавлонов А.М. Бухоро давлат унiversитетида география таълим йўналишига асос солиниши ва ривожланиши 186

Турдимамбетов Н.Р., Балтабаев О.О. Қорақалпоғистон Республикаси фитотопонимлари таҳлили 192

ГИДРОЛОГИЯ, МЕТЕОРОЛОГИЯ ВА ИКЛИМШУНОСЛИК
ГИДРОЛОГИЯ, МЕТЕОРОЛОГИЯ И КЛИМАТОЛОГИЯ

Берещанина Н.Г., Кудышкин Т.В. Исследования содержания загрязняющих вещества в дождевых отложениях в зоне впадения коллектора шкв в акваторию оз. Тузкан Айдар-Архсарайской системы озер 198

Тургунов Д.М., Назаркулов О.А., Гулмурзаева Б.А. Тоғ дарёлари сувлилик даражасини ўлчашнига атмосфера ёзиллари турларининг таъсирини статистик баҳолаш (Пискон дарёси мисолида) 208

Разикова Н.Р., Нишонов Б. Э. Оценка качества воды реки Сох по гидрохимическим параметрам 214

Гафуров А.А., Азмедова Т.А., Тургунов Д.М., Гафуров А.А. Қор қоплами динамикасини масофадан назорат қилиш орқали дарё оқимида прогнозлаш масалалари (Яхьябоддарё мисолида) 220

Мягков С.В., Гавриленко Н.Н., Мягков С.С., Гафуров Т.К. Оценка ледникового стока в бассейне реки Сох графо-статистическим методом 225

Эргашева Ю.Х., Петров Ю.В., Эгамбердиев Х.Т., Аришджанова Ф.А. Географическое распределение влажностенности воздуха при северном холодном вторжении 232

Нишонов Б.Э., Нисабеков С.Р., Разикова Н.Р. Загрязнения рек Ташкентской области стойкими хлорорганическими пестицидами 236

Магичаев О.Ж. Худудларнинг иклим ўлчашини таъсирга таъйёрларлигини баҳолаш ва картада аяс этириш масалалари 242

Хикматов Б.Ф. Қурбонқул кавказида пайдо бўлган тўқоми қўллар тизими ва уларнинг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш 249

Эрлансов Н.Б. Сух дарёси оқимининг ҳосил бўлишига ер ости сувларининг қўшган ҳиссасини миқдорий баҳолаш 254

Аришджанова Ф.А., Петров Ю.В., Эгамбердиев Х.Т., Эргашева Ю.Х. Температурни кезмакеза оқустирилишни территория Узбекистана в XXI столетии 261

Рашиков Б.Р. Тўхтагул ГЭСлар каскадининг Норин дарёси сув режимига таъсир 266

ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ГЕОИНФОРМАТИКА

ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ И ГЕОИНФОРМАТИКА

Курбанов Б.Т., Джурев Н.М., Ёдгоров Ш.Н., Хусамитдинов А.С. Анализ и оценка инженерно-геологических условий расположенных в высокосейсмичной зоне водохранилищ с применением ГИС-технологий и материалов дзв (на примере Паткамарского водохранилища) 273

Нигматов А.Н., Ибрагимов О.А. Замонавий картография фани ва унинг илмий тадқиқот методологияси 283

Якубов Ф.Э., Муборақов Х. Йарик масштаби кичик қўқалиги карталарини тузишда масофадан назорат материалларидан фойдаланиш масалалари 294

Бекашов К.К. Суторилдадаги ерларини сифат жиҳатдан баҳолаш карталарини тузиш жараянларини автоматлаштириш 300

Эгамбердиев А., Каримов Ш.Ф., Саломитдинова С.С. Гендер тенглиги кўрсаткичларини ГАТ технологиялари асосида картага олиш (Ўзбекистон Республикаси мисолида) 305

Юсуфов Б.Н., Очипов Ш.Ш. Аҳолининг табиий ва механик ҳаракатини картага олишнинг африв услубий масалалари 311

Муборақов Х., Мирзиямудов Э.Р., Рузиев А.С., Юсуфжанов О.Ф. Некоторыи требования к созданию национальной референсной системы координат Узбекистана 316

Увайшинов С.Т., Сафаров Э.Ю. Ўрта аср Шарқ давлатларидаги илмий марказларда картография тадқиқотлар ва уларнинг пайдо бўлиш омиллари 322

Очипов Ш.Ш., Юсуфов Б.Н., Бекашов К.К. Давлат кадастрлари хариталарини ГАТ дастурлари асосида яратиш масалалари 327